## НАВОИЙНИ ЎРГАНАМИЗ – КАМОЛОТГА ИНТИЛАМИЗ

# НАФЪИНГ АГАР ХАЛҚҚА БЕШАКДУРУР...



Неча асрлардирки, буюк шоир ва улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳазратларининг мўътабар номлари бутун дунё тараққийпарвар кишиларининг тилидан тушмайди. Кўҳна тарихимиз улуғ зотларни кўп кўрган. Миллатимиз учун Алишер Навоий буюкларнинг буюги, миллатимиз тимсолидир. Алишер Навоийнинг таржимаи ҳолларини ўқир эканмиз, бутун умрлари давомида етим-есир, бева-бечора, ногирон ва муҳтожларга мурувват кўрсатиб келган, эл-юрт учун ўз ҳисобидан мактаб-мадрасалар, шифохона ва ҳаммомлар, йўл ва кўприклар, боғ-роғлар бунёд этган, илм-фан ва маданият аҳлининг чинакам ҳомийси бўлган бу беназир зотнинг эзгу ишларига гувоҳ бўламиз.

Навоий ўз жамғармаси ҳисобига Ҳиротда ва бутун Хуросон мамлакатида жуда кўп бинолар, мадраса, шифохона, карвонсарой, ариқ, кўприк, йўллар барпо этди. Ҳиротдаги «Ихлосия» мадрасаси, унинг қаршисидаги «Халосия» хонақоҳи, Инжил ариғи бўйидаги «Масжиди жомеъ», тиб илми ўқитиладиган «Шифоия» мадрасаси, «Низомия» мадрасаси, Марвдаги «Хисравия» мадрасаси, Ҳиротдан ташқарида «Работи ишқ», «Работи Санг», шоир Аттор қабридаги мақбара, Нишопур атрофидаги жойлардан биридаги «Работи яздбоз», Гуласт булоғидан Машҳадга тортилган ариқ (узунлиги 70-80 км) ва бошқа жуда кўп иншоотларни Навоий бино қилдирган.

Алишер Навоийнинг бутун ер-суви, мол-мулкидан ҳар куни 18 минг шоҳруҳий динор миқдорида даромад келар, бу пуллар юқоридаги каби хайрли ишларга сарф этилар эди.

Бундан ташқари, Алишер Навоий юзлаб шоир, олим, шифокор, ҳаттот ва зиёлиларга ўз ҳисобидан маош тўлаб, керакли илмий-ижодий маслаҳатлар ва зарурий шароитлар яратиб берган. Масалан: Навоий ўзининг Султон Ҳусайн Бойқаро саройидаги амалдор (муҳрдор, амир, вазир) бўлган даврида илм аҳлига кўп ҳомийлик қилди. Шу жумладан, XV асрнинг икки буюк тарихчиси – Мирхонд (1433-1489) ва Хондамир (1475-1535)га ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатди. Масалан, ўзининг ҳузур-ҳаловати учун мўлжалланган «Халосия» хонақоҳидаги махсус хонани мавжуд шарт-шароити ва китоблари билан Мирхондга ажратиб беради. Ўрта Осиё халқлари тарихи учун ғоят муҳим манба бўлиб хизмат қиладиган «Равзат ус-сафо» асарини Мирхонд Навоийнинг ҳам моддий, ҳам маънавий кўмаги билан ёзган.

«Шундай бир тарих китоби тартиб қилинсинки, – деб насиҳат беради улуғ шоир тарихчига, – унинг иборалари мажоз, истиора, киноя ва бошқа мураккабликларга ўралмаган бўлсин, содда, ҳар ким ҳам тушуна оладиган, қисқа ва мўъжаз бўлсин. Китоб бир муқаддима 7 қисм ва бир хотимани ўз ичига олсин, ҳар бир қисм мустақил бир китоб шаклида бўлсин, ўқувчи у қисмлардан бирини ўқиганда, бошқа қисмларни варақлаб кўришга мажбур бўлмасин…»

Хондамир маънавий камолотида ҳам Алишер Навоий ҳазратларининг ҳиссаси нақадар улкан эканлигини Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асари муқаддимасидаги қуйидаги фикрлардан билиб олсак бўлади: «…Ўткир кўз эгаларининг ҳузурида махфий яширин қолмасинки, шараф ва улуғлик осмонининг қуёши, дунё буюкларининг пешвоси яхши хулқлар манбаи… илм ва ирфон эгаларининг намояндаси, таҳқиқ ва ишонч аҳлларининг қибласи, ҳоқон давлатининг таянчи ва ҳазрати султоннинг яқини, фақирликка бою, ҳимматга ботир, олий ҳазрат низомулҳақ валҳақиқат вад-дунё ваддин амир Алишернинг… узлуксиз меҳрибончиликлари шуъласи, илтифот ва ғамхўрликлари офтоби Хондамир деб шуҳрат қозонган фақир банда ва ҳақир зарра Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин бошига тобланди, балки вужудининг ниҳоли ёш чоғидан то йигитлик даврининг охирига қадар ул ҳазратнинг лутфу эҳсон ариқлари ёқасида ўсиб унди».

Хондамир ўзининг «Макорим ул-ахлоқ» асарида Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» ҳамда ўзининг «Маосир ул-мулук», «Хулосат ул-ахбор» асарлари Навоийнинг илтифоти соясида юзага чиққанини таъкидлаб ўтади. Олим буюк шоирнинг топшириғига асосан «Хулосат ул-ахбор», «Дастур ал-вузаро», «Маосир ул-мулук» асарларини ёзади. Бу асарларда Ўрта Осиё халқлари тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётига боғлиқ кўплаб қимматли тарихий маълумотлар мавжуд.

## АЛИШЕР НАВОИЙ МАЪНАВИЯТИ

Алишер Навоий маънавияти инсоннинг маънавий камолоти учун хизмат қилади. Навоий қаҳрамонлари орасида комил инсон даражасига етганлари ҳам талайгина. Комилликдаги энг биринчи белги ҳалоллик ва покликдир. Шоир ўз асарларида инсон ким бўлишидан қатъиназар, ҳалол ва пок бўлиши керак, дейди. Алишер Навоий орзу қилган ҳалол ва пок инсон нафақат ташқи қиёфа, балки ички маънавий қиёфага эга бўлган инсонлардир. Масалан, Фарҳод, Искандар, Мажнун, Суҳайл, Навфал, Ширин, Лайли, Дилором ва бошқалар ҳалолликнинг тимсолларидир. Алишер Навоийнинг инсонпарварлик, ҳалоллик, тўғрилик, муҳаббат, садоқат, мардлик, олижаноблик, сахийлик ва бағрикенглик тўғрисидаги ахлоқий қарашлари юқорида таъкидланган қаҳрамонлар ҳаётининг мазмунидир. Алишер Навоий, умуман, инсон маънавий камолотини ахлоқий қарашларсиз тасаввур ҳам эта олмайди. Унинг ижодида маънавий камолотга эришган комил инсон образларидан бири Фарҳоддир. Фарҳоднинг феъл-атвори, юриш-туриши, фаолияти, ташқи ва ички дунёсида мукаммал инсонга намаики хос бўлса, барчаси мавжуд. Илмга чанқоқлик, меҳнатсеварлик, инсоф, ҳалоллик, поклик, камтарлик, ҳиммат ва фидойилик, ота-онага ҳурмат, тожу тахт, давлат ва бойликка ружу қўймаслик сингари фазилатларнинг барчаси баркамол инсонга хосдир. Фарҳоднинг поклиги ҳақида шоирнинг ўзи шундай дейди:

Демонким, кўнгли пок ҳам кўзи пок,
Тили поку, сўзи поку, ўзи пок.
Анингдек, тийнати покига лойиқ,
Дуосин айлабон поки халойиқ.

Инсон комилликка интилар экан, тинимсиз машаққатли меҳнат қилиши керак. Фарҳод ана шундай машаққатли йўлни босиб ўтади. Ўзи севган Ширинни излаб, Арманияга боради. Сув олиб ўтиш учун нақадар оғир меҳнат қилаётган кишиларни кўради. Фақатгина Ширин учун эмас, балки халқ учун сув ғоятда зарур эканлигини англаган Фарҳод ўзининг бутун ҳунарини ишга солади. Тоғни кесиб, сув олиб келади. Жуда кўп ҳунарларнинг эгаси бўлган Фарҳод:

Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб тупроққами кетгумдир охир? – дейди.

Фарҳод ўзида маънавий комиллик билан бирга жисмоний баркамолликни ҳам ифода этган. Халқ билан ҳамнафаслиги, ҳамиша элу юрт хизматига камарбасталиги, ўз илму ҳунарини одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг фаровонлиги, бахту саодатини таъмин этишга сарфлаши бунинг далилидир.

Инсон комилликка интилар экан, зинҳор бу интилишнинг охирига ета олмайди. Шу боис, мен комилман, камолотга эришдим, деган одам хато қилади. Инсон фаолият юритар экан, шубҳасиз, нуқсон ва камчиликлар ҳам содир этади. Аммо шу нуқсону камчиликларни тушуниб, тузатиб, уларни такрорламасликка ҳаракат қиладиган кишилар комилдир. Бу ҳақда Алишер Навоий шундай деган:

Ноқис улдирким, ўзин комил дегай,
Комил улким нуқсин исбот айлагай.

Инсон камолотига чек-чегара йўқ. Мустақил камолот сари интилмоқ тараққиёт боисидир. Хўш, бугун инсон комилликка интилиб яшаши мумкинми? Албатта, мумкин. Айниқса, энди мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тўғрилик, муҳаббат, садоқат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ота-онани эъзозламоқ, билимга интилмоқ, озодалик, шукроналик каби фазилатларни ўзларида мужассам этсалар ёки ўз ҳаётлари давомида ана шу юксак инсоний фазилатларга қараб интилсалар, албатта, маънавий камолотга эришадилар. Ўқувчи ва талаба-ёшлар Алишер Навоийнинг барча асарлари, шу жумладан, «Хамса» асаридаги беш достон қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолиятини ўргансалар, жуда катта маънавий комиллик низомини англаб етган бўлур эдилар.

Алишер Навоий шеърияти мумтоз, бетакрор шеъриятдир. Алломанинг мумтоз ғазаллари, рубоийлари беш асрдан буён инсоннинг маънавий камолотига хизмат қилиб келмоқда. Зеро, Алишер Навоий ижоди бебаҳо буюк меросдир. Алишер Навоий шундай буюк зот экан, унинг тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий асарлари замонлар оша яшаб келаётган экан, бу улуғ меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, маънавиятни юксакликка кўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

**Шамсиддин ЖУМАЕВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази директори.**

## НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Нафъинг агар халққа бешакдурур
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.

●

Илмни ким воситайи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

●

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.

●

Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмаганни раво.

●

Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

●

Менга не ишқу, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

●

Кимки киши ўлмакидан шод эрур,
Гўркану ғосилу жаллод эрур.

●

Бордур инсон зотида онча шараф, –
Ким ямон ахлоқин этса бартараф.

●

Хуш дурур боғу коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

●

Кимники инсон десанг, инсон эмас –
Шаклда – бир, феълда – яксон эмас.

●

Кўп демак бирла бўлмағил нодон,
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.

●

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки, нишона анга иймон эрур.

●

Навоий, чу ғурбатда сен шод бўл!
Ватан ёди ранжидан озод бўл!

●

Гар ошиқ эсанг, зебу такаллуфни унут,
Яхшию ямон ишда тахаллуфни унут.
Ўтган гар эрур ямон – таассуфни унут,
Келган гар эрур яхши – тасарруфни унут.

●

Эл қочса бировдин, эл ямони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они.
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ямон-ямони бил они.

●

Камол эт касбким, олам уйидин,
Санго фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайни,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

●

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикондек ошён бўлмас эмиш.

●

Оналар оёғи остидадур
Равзайи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин тупроғи.

## ЎҚИБ НАВОИЙНИ

Инжусиз кўлмакдан олма сохта завқ,
Теран денгизларнинг шайдоси бўлгин.
Шамдан шамс тафтини тилама ғофил,
Навоий уммонин ғаввоси бўлгин.

Дур териб кўнглингга бағишла сарват,
Туй шавқнинг бокира, тиниқларини.
Сархуш ҳолинг билан этма фаромуш
Садаф кўнгилларнинг синиқларини.

Агар Лайли бўлсанг, Мажнундан хабар,
Дилхун Фарҳод эрсанг, Ширин муждаси.
Руҳинг дунёсига ҳар лутфи шарор
Ҳар нуқта – ғафлатга ажал кундаси.

Ўзингга ноаён минг бир ҳақиқат,
Ҳаёт маънисидин розга етарсан,
Ўқиб Навоийни кўнглингда наво,
Кўксингда тош эмас, созга етарсан!

**Амирқул КАРИМОВ.**

# ҲОМИЙЛИК – ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ИФОДАСИ

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият» сарлавҳали маърузаларида: «Ҳомий, ҳомийлик деганда биз нимани тушунамиз?» деган долзарб маънавий-ахлоқий, ижтимоий-фалсафий муаммони ўртага ташладилар ҳамда унга ўзлари ибрат ва намуна тариқасида ажойиб таърифлар бердилар. Ушбу таърифларнинг мағзини чақиб, кенг шарҳлаб халқ онгига сингдириш маънавият аҳли-зиёлиларнинг муҳим вазифалари, ватанпарварлик бурчларидир. Бу соҳада донишманд халқимиз ақл-заковатининг қаймоғи бўлмиш ҳикматлар, буюк Алишер Навоий каби мутафаккирларимизнинг тафаккур хазиналари муҳим манба ҳамда восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Юртбошимизнинг ҳомийликка берган таърифлари орасида энг мумтози қуйидагичадир: «Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз». Дарвоқе, қалби ва юрагида энг эзгу туйғуларни мужассам эта олган киши юксак маънавий қиёфага эга бўлади. Лекин ҳали бу фазилатлар унинг чинакам ҳомийлик мартабасига кўтарилганидан далолат бера олмайди. Бунинг учун «Амалий ифода» тушунчаси етмай турибди. Инсонлар борки, энг эзгу туйғуларга эга бўла туриб, уларни ҳаётга татбиқ эта олишмайди. Ўзларидаги эзгу фазилатларни қалбларида, юракларида сақлашади. Уларни кундалик амалий фаолиятга жорий этишолмайди. Одамлар борки, ўзларидаги эзгу фазилатларни ҳар куни, ҳар қаламда, ҳар нафасларида ҳаёт билан боғлашади. Уларни ҳаёт ҳодисалари жараёнида намоён этишда ўрнак бўлишади. Бундай инсонлар фаолиятини уларнинг қалблари ва юракларидаги энг эзгу туйғулар бошқаради. Чинакам комил ва ҳомий, жамиятни моддий ва маънавий инқирозлардан қутқарувчи, халоскор ҳамда нажоткор сиймолар ана шундай инсонлардан чиқади. Демак, қалби ва юрагида мужассамлашган энг эзгу туйғуларни табиатида, характерида, феъл-атворида, фаолиятида амалий ифода этишда жамоатчиликка ўрнак бўладиган одам – комил инсондир.

Ана шундай комил инсонларни тарбиялаб етиштириш, кўпайтириш баркамол фуқаролар жамиятини барпо этишга асос бўлади. Бунинг учун ҳомийлик салоҳиятининг негизида нима ётади, шуни аниқлаш ва ўшани шакллантириш чора-тадбирларини кўриш лозим. «Ҳомий» сўзи «ҳиммат» сўзи билан ўзакдош. Ҳомийлик хислатининг ўзак-негизи – гавҳари ҳимматдир. Ҳиммат – комил инсоннинг қалб гавҳари. Ҳиммат инсонни эзгуликка етакловчи, уни ёвузликдан сақловчи, ҳар қандай нораво феъл-атвордан муҳофаза этувчи эзгу туйғудир. Ҳимматли инсон ўзгаларга ҳамиятли, иш-фаолияти аҳамиятли, ўзи ҳомийликка қодир бўлади. Ҳомийлик билан шуғулланувчи киши – олийҳиммат, дея таърифланади. Қалбида ҳиммат гавҳари бўлмаган киши – у ҳар қанча донишманд бўлмасин, сийратида ҳар қандай эзгу туйғуларни жамулжам этган бўлмасин, ҳомийлик салоҳиятига сазовор бўлолмайди ҳамда комил инсон даражасига кўтарила олмайди.

Ўзбек миллий маънавиятида Алишер Навоийнинг миллий ғоялари асосида ҳиммат ва ҳимматлиликнинг босқичларини ифода этувчи инсонларнинг тўрт тоифаси тасниф этилган. Булар: 1. Бахил. 2. Хасис. 3. Сахий. 4. Ахий. Бахил – ҳиммат нуқтаи назаридан энг тубан кимсалар тоифаси. Ундаги хусусият «бухл» деб юритилади. Бундай киши борлиқдаги неъматлардан ўзи ҳам емайди, бошқаларга ҳам едирмайди, ўзи баҳраманд бўлолмайди, бошқаларни ҳам баҳраманд этмайди, ўзи эришолмаган нарсаларни ўзгаларга ҳам раво кўрмайди. Хасис эса фақат ўзи ейди, бошқаларга бермайди. Мавжуд имкониятлардан фақат ўзи баҳраманд бўлади, ўзгалар баҳраманд бўлишини истамайди. Бундай тоифа худбин шахслардан таркиб топади. Хасислик туйғуси «хиссат», «хасосат» деб юритилади. Бахил ва хасис ҳимматсиз кишилар тоифаларидир. Уларнинг қалбларида ҳиммат гавҳари йўқ. Ёшларни бундай хусусиятларни орттиришидан сақлаш, қиёфасида бухл ва хиссат шаклланиб улгурган шахслардан жамиятни тозалаш, яъни уларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш билан муттасил шуғулланиш зарур. Акс ҳолда, жамиятдаги маънавий муҳит уларнинг бу хусусиятларидан зарарланиб туради.

Сахий – борлиқдаги неъматлардан ўзи ҳам ейди, бошқаларга ҳам едиради, ўзи ҳам кияди, бошқаларга ҳам кийдиради, табиат ва жамиятдаги имкониятлардан бағрикенглик билан баравар баҳрамандлик тарафдори бўлган олижаноб шахсдир. Унинг тийнатида ҳиммат жавҳари фаровон. У – ҳомийликка лаёқатли инсонлар тоифаси. Ахий – ўзи емай, жамиятга едиради. Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов «Ўзбекистон» қасидасида она халқимизни «ўзи емай ўғлига тутган», дея таърифлаган. Воқеан, ахийлик халқимиз миллий менталитетининг ўзак-моҳиятида мужассам фазилат. Бунга Тўмарис, Широқ, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди каби кўплаб тарихий қаҳрамонларни, умрини етимларга, мушфиқ ва муҳтожларга фидо этган кўплаб замонавий қаҳрамонларни мисол келтириш мумкин. Ахий ўзи яланғоч қолиб, жамиятни кийинтирадиган игна каби фидойилик тимсоли. Ахий ўз манфаатидан жамият манфаатини устун қўядиган, ўз баҳрамандлигини охирги ўринда кўрадиган, қаноатга бой инсон.

Ўрта асрлар Шарқида махсус ижтимоий-фалсафий оқимга мансуб ахийлар жамияти фаолият кўрсатган. Ушбу оқимнинг арабча номи «футувват», форсча номи «жавонмардлик» деб юритилган. Навоий юксак даражадаги инсонпарварлик ва халқпарварлик фазилатларини бадиий талқин этишда ана шу оқим ғояларига асосланган. Маънавий баркамол инсонни ифодаловчи Ахий образини яратган. Футувват оқимининг намояндаси «фатий» деб юритилган. Форс тилида эса у «жавон» – «ёш, навқирон», «мард» – «фидойи эркак» маъноларини ифодалаган.

Навоий ўз лирикасидаги бир фардида футувват ҳақида қуйидагича мумтоз ва мухтасар таъриф берган:

Мурувват – барча бермакдур,
емак йўқ,
Футувват – барча қилмакдур,
демак йўқ.

Бунинг маъноси шуки, фатий ёки жавонмард киши мурувватли – хайр-саховатли бўлади. Унинг мурувввати шундан иборатки, у барча топган-тутганини халққа улашади, жамоатнинг ризқ-насибасини емайди, ўзи камсуқумлик, қаноат билан кун кечиради. Ахийнинг фаолияти фақат элга яхшилик, хайр-эҳсон, ҳомийлик қилишдан иборат бўлади. Бироқ у қилган эзгу амалларини тилга олиб айтмайди. Яъни, у эзгу ишларини беғараз, беминнат, холисанлиллоҳ амалга оширади. Бундай олийҳиммат инсонлар нафақат ўтмишда, балки ҳозир ҳам ҳаётда бор. Президентимиз: «Мен баъзан кўп жойларда саховатли, олийҳиммат юртдошларимиз, ҳеч кимга овоза ва ошкор қилмасдан, болалар уйларига, муҳтож оилаларга ёрдам бериб, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга мурувват кўрсатиб юрганини эшитганда, беихтиёр қойил қоламан», деганларида шундай кишиларни назарда тутганлар.

Баъзи бадавлат кишилар ҳомийлик даъвоси билан, сохта обрў ва шон-шуҳрат орттириш иштиёқида меҳнат сарфламасдан топган даромадларини, енгил йўллар билан қўлга киритган маблағларини елга совурадилар.

Сочмоқ овуч бирла гуҳар
от учун,
Нақд этак бирла мубоҳот
учун,
Ақл ҳисобидин эрур бас
йироқ,
Бухл бу жудунгдин эрур
яхшироқ.

Навоийнинг сабоқ беришича, ном қозониш учун ҳовуч-ҳовуч гавҳар сочиш, бойлик нақдинасини этак-этак исроф этиш ҳам ақли расоликдан йироқ уринишдир. Бундай бемаъниликдан кўра бухл афзалроқдир.

Улуғ мутафаккирнинг қарашларича, ҳомийликка бел боғлаган одамлар, аввало, ҳимоятга ким «муҳиқ», яъни ҳақли, муҳтож ва муносиб эканлигини билиб олишлари муҳимдир:

Билки, сахо қилғали кимдур
муҳиқ,
Сийм берурга ким эрур
мустаҳиқ.

Акс ҳолда, муҳтож ва муносиб бўлмаган одамларга мурувват билан ҳомийлик кўрсатиш, ҳиммат – саховат саналмайди. Яъни, ҳаётда баъзан ҳомийлар дастурхон ёзиб, шундай одамларга зиёфат берадиларки, улар оч эмас. Шундай одамларга тўн кийгизадиларки, улар яланғоч эмас.

Ёяр анга супраки,
ул оч эмас,
Берур анга тўнки,
яланғоч эмас.

Ҳолбуки, оч-яланғоч муҳтож бечоралар бир четда қолиб кетаверади. Асли, ҳар қанча ҳиммат, хайр-эҳсон бўлса, ана ўша аҳолининг муҳтож қатламига қилинса, савобдир.

Улуғ шоир нақл қилишича, ҳиммат-саховат ва ҳомийликни касб-корига айлантирган Ҳотамтойдан ўзингиздек ҳимматли бошқа бир кишини кўрганмисиз, деб сўрайдилар. Ҳотамтой бир куни дашт аҳлига юз туя, сон-саноқсиз қўйлар сўйиб, зиёфат берганини, шу орада тоза ҳаво олиш учун даштга чиқиб, ўтинчи чолни учратганини, уни орқалаб олган тиканлари заҳматидан озод бўлиб, Ҳотамтой зиёфатига кириб ором олишга даъват этганини, чол эса рад этиб, биров берган хазинадан кўра, ўз қўл кучи билан ишлаб топган бир дирҳам афзаллигини айтиб, сен ҳам Ҳотамтой миннатини эшитгандан кўра, ушбу тиканли ўтин заҳматини тортақол, дея жавоб берганини эслайди ва шундай хулосани баён этади:

Улки бу янглиғ сўзи
мавзун эди,
Мендин анинг ҳиммати
афзун эди.

Демак, тамасизлик, қаноат олийҳимматликнинг энг юксак босқичи экан.

Навоий ҳиммат шарҳи учун табиатдан ҳам шундай жуда оддий, аммо ажойиб ва ғаройиб мисоллар топиб, бадиий талқин этадики, унинг маҳоратига қойил қолмай илож йўқ:

Тухм ерга кириб,
чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб,
ипак бўлди.
Лола тухмича ғайратинг
йўқми,
Ипак қуртича ҳимматинг
йўқми?

Тухм, яъни лола уруғи – ёруғ дунёни тарк этиб, ер бағрига кирди, ғайрат-шижоат кўрсатиб томир отди, тупроқни ёриб чиқиб ўсди, лола гули бўлиб очилиб, оламга гўзаллик бағишлади. Қурт ўз жонидан кечиб, ўз вужудини қурбон қилиб, пилла ўради. Шу йўл билан инсоният оламини кийинтиргулик ипак ҳадя этди. Арзимас бир уруғ ва жонзод ғайрат ва ҳиммат билан бунёдкорлик кўрсатди. Эй одамзод, сен коинотнинг гултожисан, сенгагина раво кўрилган тафаккур ва амал коинотдаги бошқа бирор жонзоду жонсиз унсурда йўқ. Наҳотки, оддийгина лола уруғичалик ғайратинг, ипак қуртичалик ҳимматинг бўлмаса? дея нидо чекмоқда Навоий.

Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаро инсонлик ғурури, нодир истеъдоди, ғайрат-шижоати билан меҳнат қилиб, ҳалол ризқ-рўз ундирса, она халқимиз «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деганидек, шунинг ўзи олийҳимматлик бўлиб, маънавий комиллик белгисидир. Шундай одамлар кўпайган жамиятда, шубҳасиз, муҳтожлик йўқолади, ҳомийликка эса эҳтиёж камаяди.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари доктори.**



# МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – МУҲИМ МЕЗОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда бир савол туғилади. Ўзбекистон миллий сиёсатини амалга оширар экан, миллатлараро муносабатлар жараёнида миллий ва минтақавий хавфсизликка таҳдид соладиган можароли вазиятларга йўл қўймаслик учун нималарга асосланиши лозим? Бунга Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида аниқ жавоб бериб, жумладан, шундай деган эди: «...Биринчидан, давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устувор бўлишига асосланиши даркор, шунингдек, миллий озчиликнинг ҳуқуқлари ҳам камситилмаслиги шарт. Иккинчидан, давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиладиган усулларга асосланиши лозим. Учинчидан, жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланадиган иқтисодий тараққиёти одамларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли механизмини таъминлаган ҳолда республика ҳудудида яшаётган барча миллатларга мансуб аҳолининг манфаатларига мосдир. Бу тараққиёт ҳам бир одамнинг қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш, ҳар бир оилани ривожлантириш ва фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам асос яратмоқда». Ҳа, ана шундай изчил сиёсат юртимиздаги барча миллатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу эса уларни ягона Ватан – Ўзбекистон тараққиёти йўлида эзгу ишларга сафарбар этаётир.

Юқорида мустақилликнинг дастлабки одимлариданоқ миллий муносабатлар масаласида юртимизда одилона сиёсат ўтказилиб келинаётганини айтдик. Буни биргина мисол – 1992 йил мамлакатимизда Республика Байналмилал маданият марказининг ташкил топиши орқали ҳам кўрсатиб бериш мумкин. Ҳатто 1989 йилдаёқ миллий-маданий марказлар тузила бошлаганини яхши биламиз. Миллатлараро тотувликка асосланган фуқаролик жамиятини барпо қилиш йўлида қадамлар ташлар эканмиз, миллий манфаатлар ва эҳтиёжларнинг фуқаролик жамияти ва демократик жамиятнинг манфаатлари билан яқинлашиб боришига эътибор қаратилди. Қолаверса, вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият, бирга истиқомат қилаётган турли миллатларнинг тинч-тотув яшаши, муштарак интилиш ва истаклари эътиборга олинди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, юртимизда бу борада сиёсат юритилар экан, унда яшовчи ҳар қандай миллатга инсониятнинг бир бойлиги сифатида қаралмоқда. Яъни уларнинг тили, дини, маданий, маънавий бойликларига ҳурмат билан ёндашилмоқда. Буни республикамиздаги Байналмилал маданият маркази мисолида кўриб ўтсак. Маълумот учун шуни айтиш мумкинки, айни пайтда мамлакатимизда вилоят, туман миқёсида 140 дан ортиқ миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатяпти.

– Марказимизнинг асосий вазифаси турли миллатларнинг маданиятларини ривожлантириш баробарида миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, шу орқали юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшиш. Бунинг учун кенг имкониятлар яратилган, – дейди ўз сўзида Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев.

Яқинда Озарбайжон миллий-маданий марказлари уюшмаси раиси Акиф Агаталибовнинг фикрларини ўқиб қолдим. Шу ўринда бу фикрларнинг айримларини сизга ҳам илинсам: «Ўзбекистонда 60 мингга яқин озарбайжон истиқомат қилади. Ўзбекистон ва Озарбайжон – уларнинг ҳар иккаласи ҳам мен учун ардоқли. Мен Ўзбекистонни ер шарига ўхшатаман. Чунки бу мамлакатда яшовчи 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг тиллари, урф-одатлари, анъаналари ҳурмат қилинади. Бу каби бағрикенглик дунёнинг камдан-кам давлатида мавжуд. Ўзим кўп йиллардан бери Ўзбекистонда яшайман. Шу даврда бирор марта ақалли битта озарбайжонликдан «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, менинг ҳуқуқларим бузилди», деб шикоят қилганини эслаёлмайман».

Таъкидлаш жоизки, Ватан ҳимоячилари орасида ҳам турли миллат вакиллари бор. Улар рус, корейс, қозоқ, қирғиз, туркман бўладими, мақсади – ягона Ватан – Ўзбекистонни ҳимоя қилиш эканлигига кўп бора иқрор бўлганмиз. Рус миллатига мансуб бир ҳарбий сулолани биламан. Нафақат мен, балки кўпчилик яхши танишади. Бу учувчи Харламовлар сулоласи. Ота-бола Харламовлар энг моҳир учувчи сифатида Қуролли Кучларимизда обрў-эътиборга эга. Ҳар иккаласи ҳам юрт ҳимояси йўлидаги мардонавор хизматлари учун Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишган. Ёки қозоқ миллатига мансуб бир офицерни биламан. У – подполковник Мэлс Жанабоевдир. Она юрти Ўзбекистонга муҳаббати, меҳри беқиёс бу ўғлон етакчилик қилаётган ҳарбий қисм бир неча бора ғолиб дея эътироф этилиб, кўчма кубокни қўлга киритиб келмоқда. Президентимизнинг яқинда «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонига назар ташласангиз, Ватаннинг юксак рағбатига сазовор бўлганлар орасида турли миллат вакилларини кўришингиз мумкин. Масалан, «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган корейс миллатига мансуб тиббий хизмат майори Александр Анни олайлик. «Ўзбекистон – менинг Ватаним. Унинг ҳар бир қаричи мен учун муқаддас. Шунинг учун унинг ҳимояси йўлида хизмат қилишни ўзим учун энг катта шараф деб биламан», дейди у.

Бундан бир ярим йилча муқаддам корейс миллатига мансуб оддий аскар Александр Нам билан учрашиб қолиб, суҳбат қургандим. Муҳими шундаки, бухоролик бу посбон ўзбек тилида бемалол суҳбатлашди. «Ўзбек маҳалласида ўсиб-улғайганман. Шунинг учун ўзбек тилини, ўзбекча айрим урф-одатларни биламан. Мана, муддатли ҳарбий хизматга чақирилдим. Ватан ҳимоясида хизмат қилиб юрибман. Бу ерга келиб, кўплаб ўзбек йигитлари билан дўстлашдим», деган эди ўшанда у қувонч билан. Ҳа, армиядаги аҳилликка, дўстликка нима етсин. Ўзбекистондаги барча миллат вакиллари конституциявий бурчларини ўташлари учун армияда етарлича шарт-шароитлар мавжуд.

«Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда», деган эди Президентимиз Ислом Каримов. Дарҳақиқат, бу айтилган фикрларнинг ҳаётимиз билан, изчил кечаётган ислоҳотлар жараёни билан ҳамоҳанг эканлигини кўриб, билиб турибмиз. Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги муҳим мезонлардан бўлиб, бу мустаҳкам ришталар Ватанимизнинг тараққиётига, дунё тамаддунидаги шахдам қадамларига сабаб бўлмоқда.

**Майор Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**



# ЗИЁ ТАРАЛУВЧИ МАСКАН

**Кутубхонага зиё маскани, деб таъриф беришади. Албатта, бу бежиз эмас. Биз ҳаётимиз мобайнида илм излаб, бу даргоҳга кўп бора қадам ранжида қилиб, ўзимизнинг маънавий эҳтиёжимизни қондирамиз, тафаккуримизни бойитамиз.**



XX асрнинг охирига келиб, замон тараққиёти маҳсули бўлган сўнгги технологиялар барча соҳаларда ҳаётимизга жадал кириб келди. Шу жумладан, компьютернинг кашф қилиниши натижасида инсоният олдидаги қийинчиликлар бир қадар ортга чекиниб, унинг иш самараси сезиларли ўсди. Бугун қайси соҳага қараманг, барча жойда беминнат компьютер хизматидан кенг фойдаланишади. «Ўргимчак тўри», дея аталмиш интернет тармоғи кашф қилингач эса жамиятимизда компьютерга бўлган эҳтиёж янада ортди. Тўғри-да, қатор қулайликларга эга бўлган бундай техника воситаси кимга маъқул келмайди, дейсиз. Айни дамда ёшларимиз дунёнинг етакчи давлатларидаги нуфузли университетлар сайтларига боғланиб, масофадан туриб ўқиш имкониятига эга бўлишмоқда, дунёда рўй берган сўнгги воқеалардан зудликда воқиф бўлишмоқда. Шу боисдан бўлса керак негадир, бугун айрим ёшларимиз ҳатто кутубхонага бўлган эҳтиёжимизни ҳам компьютер тўла қондиради, деган ғояни илгари суришмоқда.

– Тезкорлик жиҳатдан бу қулайдир, аммо инсон камолотида турли жанрдаги китобларга бой кутубхонанинг ўрни ниҳоятда катта, – дейди биз билан мулоқотда Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройи кутубхонаси мудираси Навбаҳор Жалилова. – Кутубхонага кирган китобхон, бу даргоҳда нафақат маънавиятини бойитади, балки руҳан қувват, эстетик завқ олади. Назаримда, компьютердан кўра кутубхонанинг имкониятлари кўпроқ. Биринчидан, компьютердан ортиқча фойдаланиш инсон соғлиғи учун зарар. Боз устига, интернет тармоғининг ҳар бир соати учун белгиланган маблағни тўлаш лозим. Иккинчидан, компьютер орқали мутолаа қилган адабиётингиздан китобни ўқиган даражада завқ ололмайсиз.

Китоб ҳақида сўз кетганда, буюк мутафаккир, мумтоз шоир Абдураҳмон Жомийнинг машҳур тўртлиги беҳос ёдга тушади:

**«Жаҳонда китобдан**
**яхши ёр бўлмас,**
**Давр ғамхонасида**
**ғамгусор бўлмас.**
**Ёлғизлик кунжида ундан**
**ҳар қачон,**
**Юз роҳат етар, лек бир**
**озор бўлмас».**

Ҳа, улуғ шоир бундан бир неча аср муқаддам битган ушбу тўртлиги, орадан замонлар ўтибдики, ўз моҳиятини йўқотган эмас. Дарҳақиқат, инсон тафаккурини кенгайтиришда китобнинг ўрни беқиёс.

– Кейинги пайтда негадир одамлар китоб ўқимай қўйди, деган гапни ҳамкасбларим ўртасида кўп бора эшитаман, – дейди Навбаҳор опа. – Аммо мен бу фикрга тўла қўшилмайман. Тўғри, нисбатан китобхонлар сони камайган. Ахир, бу дегани ҳеч ким китоб ўқимай қўйди, дегани эмас-ку. Ашаддий китобхонлар ҳам ҳануз бисёр. Ўзим фаолият юритаётган кутубхона мисолида оладиган бўлсам, биз асосан пойтахтда хизмат қилувчи ҳарбийларга хизмат кўрсатадиган бўлсак, шуни аниқ айта оламанки, улар орасида китобхонларимиз жуда кўплаб топилади. Ҳатто улар ичида бир ойда 5-10 та китоб ўқийдиганлари ҳам йўқ эмас.

Ушбу соҳада кўп йиллик тажрибага эга тиниб-тинчимас опа китобхонларни бу ерга қандай жалб қилишни яхши билади. У ўқувчилар сонини янада кўпайтириш мақсадида кутубхонада тез-тез турли саналарга бағишлаб тадбирлар ўтказиш баробарида шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ҳам уюштириб туради. Буларга мисол тариқасида, машҳур шоираларимиз Зебинисо ва Нодирабегим таваллудига бағишлаб ўтказилган кечани, шоир Шавкат Раҳмон хотирасига бағишланган тадбирни ёки Ўзбек миллий академик драма театри актёрлари билан ўтказилган учрашувни келтиришимиз мумкин. Бундан ташқари, унинг ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисм кутубхоналарида ўтказилган тадбирлар ҳам эътиборга моликдир. Шундай тадбирлардан бири яқинда офицер Мавлон Юнусов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда бўлиб ўтди. «Ватан оналар қалбидан бошланади» деб номланган ушбу тадбир посбонларда катта қизиқиш уйғотди.

– Бундай тадбирларни ташкиллаштиришимда менга Мудофаа вазирлиги маданий ишлар хизмати – Марказий офицерлар саройи бошлиғи подполковник Баҳодир Тўйчиев, маданий ва оммавий ишлар бош йўриқчиси капитан Дилявер Аблаев ҳамда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли бошлиғи майор Шуҳрат Дадажоновлар яқиндан ёрдам беради, – дейди Навбаҳор Жалилова.

Мазкур кутубхонага ҳарбий хизматчилар билан бир қаторда уларнинг оила аъзолари ҳам тез-тез келиб туради. Бунга мисол сифатида, подполковниклар – Ибрагим Расулов, Баҳодир Ғофуров, майор Улуғбек Дўстматов, капитан Марат Ортиқов, шартнома бўйича хизмат сержантлари – Дониёр Қаршиев, Зафар Бобожонов ҳамда Қуролли Кучлар хизматчилари – Ирина Хўжақулова, Шавкат Маҳбубовларни келтириш мумкин. Ушбу китобхонлар кейинги бир ой ичида турли жанрдаги жуда кўплаб китобларни ўқиганликларини уларнинг олган китоблари қайд этилган ҳужжатдан билиб олдик. Шуни айтиш лозимки, юқорида номлари зикр этилган китобхонлар мазкур кутубхонанинг энг фаол ўқувчиларидандир.

Шуниси қувонарлики, ҳозирда 186 мингдан ортиқ турли хил китоблар «уммони»га эга бўлган ушбу кутубхона фонди ўзбек тилидаги янги-янги китоблар билан бойимоқда. Бу ерга Мудофаа вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан янги ҳарбий қўлланмалар ҳамда бадиий адабиётлар тақдим қилинмоқда. Бундан ташқари, китобхонлар ҳам кутубхона фондининг бойишида ўз ёрдамини аямаяптилар. Яқинда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан истеъфодаги подполковник Иброҳим Расулов ўзининг севимли зиё масканига бир қанча китобларни тақдим қилди. Булар ичида 5 жилдлик Тошкент шаҳри «Хотира» китоби, Ф.Норхўжаевнинг «50 йил жанговар постда», И.Раҳимовнинг «Чин муҳаббат» ва бир қанча қўлланма китоблар ҳам бор.

Кутубхона мудираси эса Қуролли Кучлар ҳарбий клуби ва кутубхоналар ишларини янада ривожлантириш мақсадида «Кутубхона ишларини ўргатиш учун» услубий қўлланма устида ишлаяпти.

**Комилжон ҲАСАНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ**
**олган сурат.**

# БИР ОННИНГ БАҲОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунда Бойбўри: «Ўғлим саводи чиқиб мулла бўлди, ўғлимга энди шоҳлик, сипоҳийлик илмини ўргатайлик», – деб мактабдан чиқариб олди.

Ҳакимбекнинг Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон баричдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шул ўн тўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб кўтариб тортди, тортиб қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди, Асқар тоғнинг катта чўққиларини юлиб ўтди... Етти ёшида ёйни кўтариб олгани учун Алпомиш алп атанди».

Эътибор беринг, Алпомиш саводхон, мулла бўлганидан кейингина сипоҳийлик илмини ўрганишга киришган.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини эсланг. Фарҳод уч ёшга тўлади:

**Ажабдир уч ёшида**
**кўзга атфол,**
**Нечукким ўн ёшида**
**ўзга атфол.**
**Ғолиб бу ишда эл**
**ҳайрони онинг,**
**Сипеҳру меҳр**
**саргардони онинг.**
**Ато бу навъ кўргач**
**иш ҳисобин,**
**Муносиб англади**
**илм иктисобин.**
**Кетурдилар**
**ҳакими нуктадоне,**
**Билиқ бирла**
**жаҳон ичра жаҳоне...**
**Ёрутқоч базмни**
**донойи олам,**
**Тилаб шаҳзодани**
**доройи олам.**
**Қилиб таълимига**
**юз наво таъкид,**
**Фалак олионда**
**манзил тутди хуршед...**
**Жаҳонда қолмади**
**ул етмаган илм,**
**Билиб таҳқиқини**
**касб этмаган илм.**
**Бўлиб ўн ёшқа**
**умрининг мурури,**
**Йигирма ёшқа**
**қади жисми зўри.**
**Улум авроқи чун**
**бир-бир ёпилди,**
**Диловарлик**
**силоҳи майли қилди.**

Бу мисраларнинг насрий баёни Ғафур Ғулом наздида шундай: «Таажжуби шуки, уч ёшга кирган бу бола кўринишидан ўн яшар боланинг дидини берар эди. Бу ишга ҳамма ҳайрон. Дунё ҳам, қуёш ҳам унинг бошида саргардон эди. Отаси ўғлини бу хилда кўргач, унга илм касб этишини муносиб деб тушунди. Ўз билимининг кенглиги билан жаҳон ичра ўзи бир жаҳон бўлган, билимдон бир донишмандни келтирдилар... Шоҳ базмини бу олам билимдони ёритгач, олам ҳукмдори – Ҳоқон шаҳзодани чақирди. Муаллимга таъкидлаб, унга таълим беришни топширди... Дунёда у эгалламаган, ўрганиб тагига ета олмаган бирон илм қолмади. Унинг ёши атиги ўн ёшга борган бўлса ҳам, унинг гавдаси, қадди-қомати, куч-қуввати йигирма ёш йигитларникидек эди. Унинг учун билим китоблари бир-бир ёпилгач, у энди жанговарлик яроқларини эгаллашга майл қилди».

Яна диққатингизни Фарҳоднинг ўрганиб тагига етолмаган бирон илм қолмаганидан кейингина жанговарлик яроқларини эгаллашга майл қилганига қаратмоқчиман. Чиндан ҳам боланинг олдидаги биринчи вазифа: аввал билим олишдир. Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ҳам шундай таъкидлаган: «Тан риёзатидан кўпроқ руҳ риёзати лозимдир».

Шу ўринда сизнинг тан соғлиғи зарурлиги тўғрисидаги эътирозингизни олдиндан пайқаганимиз учун доно маърифатпарваримиз Абдулла Авлонийнинг фикрларини келтирамиз: «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир. Чунки ўқимоқ, ўқитмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад зарурдир». Бу фикрлар юнон файласуфларининг «Соғлом танда – соғ ақл», деган фалсафасига нақадар ҳамоҳанг. Дарҳақиқат, соғлом танга эришишдан мақсад, кўпроқ билим ўрганишга замин тайёрлашдир.

Ҳозирги кунда болаларнинг ўқиши учун китобларнинг кўплигини кўрганда кўзлар қувнайди, диллар яйрайди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» чоп этила бошланди. Алишер Навоийнинг 20 томлик мукаммал асарлар тўпламини нашр этиш ниҳоясига етказилди. «Болалар энциклопедияси», «Мўъжиза китоб» каби билимга кон китоблар, «Қуръони карим», «Ҳадиси шариф», «Авесто» каби тарихий қўлёзмалар, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Жалолиддин Румий, Имом Бухорий, Амир Темур каби буюк бобокалонларимизнинг қимматли асарлари аллақачон чоп этилган. Умуман олганда, болалар билимини мустақил оширишлари учун китобларимиз етарлича.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ёш авлоди нима учун кўпроқ китоб ўқиши зарур? Бу саволга жавоб тариқасида Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги даъватини келтиришни истардим: **«Тўққизинчи – ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз зарур».**

Бир асрки, ҳар йили фанда оламшумул кашфиётлар яратган олимларга, дунё халқлари назарига тушган асарлар ёзган адибларга халқаро Нобель мукофоти топширилади. Ҳанузгача бу рўйхатда ўзбек олимлари, адиблари йўқ. Мен бугунги ёшлар «Мустақил Ўзбекистонимиз шуҳратига шуҳрат қўшадиган Нобель мукофотини биринчи бўлиб мен оламан», дея қўлларига китоб олиб ўқишларини, илм сўқмоқларидан юксакликларга интилишларини жуда-жуда истайман. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: **«Дунёдаги энг буюк жасорат маънавий жасоратдир».**

Айни пайтда, болаларнинг илм олишлари, яъни маънавий жасоратга чоғланишлари учун катта имкониятлар эшиги очилган. Юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис, ишончим комил, яқин келажакда олимларимизнинг кашфиётлари юртимиз салоҳиятини янада оширади, Ўзбекистонимиз довруғини дунёга таратади. Бунинг учун ҳар биримиз ўйинқароқ хаёлларга эрк бермай, кўпроқ ўқишимиз керак.

Гап Нобель мукофоти ҳақида кетар экан, битта ёқимли эътирофни фахр-ифтихор билан эсга оламан. XX аср охирида мутахассислар шу вақтгача яшаб ўтган барча фозилларнинг кашфиётларини жамлашган ва компьютер ёрдамида уларнинг нечта йўналиш бўйича Нобель мукофоти олиши мумкинлигини аниқлашган. Замонавий компьютернинг хулосаси бўйича дунёдаги битта алломагина Нобель мукофотини 4 та йўналиш бўйича олар экан. У бизнинг ватандошимиз Мусо ал-Хоразмийдир. Дунёдаги 4 та аллома эса Нобель мукофотини 3 та йўналиш бўйича олар экан, улардан икки нафари бизнинг ватандошларимиз Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синодир. Ҳа, биз ана шундай закий алломаларнинг ворисларимиз, илмий салоҳияти жуда катта халқнинг фарзандларимиз.

Оққан дарё оқмай қолмайди. Мана минг йилдан кейин Хоразм Маъмун академияси қайта фаолиятини бошлади. Ҳозирги кунда юртимизда илм-фан учун барча шароит яратилди. Шу боис, закий аждодларимиз китобларини қўлларидан қўймай ўқиб, билимларини замонавий асосларда мустаҳкамлаётган ёшларни кўрганда, уларга ҳавасим келади. Чунки бу ёшлар келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг янги хоразмийлари, янги берунийлари, янги ибн синоларидир. Ишончим комил, уларнинг сафига сиз ҳам қўшиласиз, менинг азиз ёш дўстим! Бунинг учун умрингизнинг ҳар бир онини қадрига етишингиз ва билимингизни тинмай бойитишингиз керак.

**Асрор МЎМИН.**

